Бўлимда курилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳам кўзда тутилмоқда. Чунки бу иш ходимларимизнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун жуда ҳам зарур. Қўқонда битта турар жой, боғча, сузиш хавзаси куриш, темир йўл касалхонасини кенгайтириш, янги поликлиника куриш ишлари жадал олига мўлжалланган ўй куришимиз, темир йўлчилар шифохонасини кенгайтиришимиз, зарур. Аммо бунинг учун



ХОЗИР таниш-билишлар билан учрашиб қолгудек бўлсангиз, салом-алигу ҳолаҳвоздан сўнг ойлик маош ҳақида гап кетади.

— Икки мингдан ошди,— дейсиз оғзингизни тўлатиб. Лекин ўша салмоқли пулдан қанчаси қўлингизга тегишини айтмайсиз, тўғриғоги, айтгани уяласиз. Даромад солигина, пенсия жамғармасига ва ҳоказо. Хуллас, у ёғидан уриб, бу ёғидан уриб, бир ой давомида топганларингизнинг баракаси учирлади.

Яна денг кечагина Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси ҳузуридаги Давлат солик Баш бошқармасидан «хуш хабар» келди. Унда шундай дейилади: «Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Мажкамаси ҳамда иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий

## БУРОМАДИ ДАРОМАДГА МОС ЭМАС-КУ!

Фикримча

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ҚЕНГАШИ СЕССИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

ўз-ўзини бошқариш қўмитасининг фуқаролардан олиандиган даромад солиқларининг ставкалари тўғрисидағи қарорига биноан 1992 йил 1 апрелдан бошлаб даромад солигини ушлаш қўйидаги тартибда ҳисобланади. Яъни, сиз икки минг сўмгача маош олсангиз унинг 15 фоизини, ундан ошиғига 30 фоизини, беш минг сўмдан ошиғига 40 фоизини даромад солигига ушлаш қолишади. Бошқа майдо-майдо солиқларни айтмай қўяқолайлик. Хўш, бу аҳволда аҳоли қан-

дай кун кечиради? «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари каттакатта маош олишади, деб бизга ҳавас билан қарашади. Аслида эса бошқачароқ. Даромад солигининг бу тартибда оширилишидан бирлашмамиздаги 4500 нафар ишчининг ҳаммаси таажокубда; ахир бозорларда, дўконларда нарх-наво осмонга қишиб боряпти-ку. Ишчи бир ойлик иш ҳақига ақалли битта яхши туфли олиб кия олмаса — кайфияти қаёқдан ҳам яхши бўлсин?

Масалан, бирлашманинг дазмол цехида иш анчагина оғир, гарчи биз ишчиларнинг меҳнати учун барча кулагаш шарт-шароитларни яратиб берган бўлсак-да, ёзда бу ерда ишлаш осон эмас. Масалан, Мавжуда Тўлаганова, Нигора Султонова, Мастира Аҳмедова, Муҳаббат Ҳасанова каби хотин-қизлар файрат билан меҳнат қилишади ва эвазига ҳар ойда уч-уч ярим минг сўмгача маош олишади. Лекин ой сайн 600-700 сўмдан даромад солигига ушлаш қолинаверса — албатта алам

қилади-да.

Тўғри, нарх-наво миқдорини дунё бозори даражасига тенглаштириб олишимиз керак. Лекин чет эллардаги ишчи-хизматчиларнинг маоши билан биздаги маошнинг ер билан осмонча фарқи бор. Бунинг устига, каттакон даромад солиги! Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ҳалқ депутатлари ушбу сессияда шу масалага қайтсалар, қолаверса, даромад солиги камайтирилса яхши иш бўларди.

Корхонамиз касаба ўюшмаси қўмитаси номидан, барча ишчилар номидан ҳалқ депутатларига қатъий сўровимиз шундай.

Қумрихон МАҲМУДОВА, «Юлдуз» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба ўюшмаси қўмитаси раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ҚЕНГАШИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## ЧЕРНОБИЛЬ ҲАЛОКАТИДАН ЗИЁН ҚЎРГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ҲАҚИДА

ХУРМАТЛИ  
МУҲАРРИИЯТ!

Чернобиль ҳалокатидан зиён қўрган Ўзбекистон Республикаси фуқароларни социал ҳимоялаш ҳақида ва уларга бериладиган имтиёзларни «Ишонч» саҳифаларида тўлалигича чоп этсангиз.

**И. СОТВОЛДИЕВ,**  
Андижон вилояти  
Хўжаобод  
районидаги  
«Чернобиль»  
жамияти раиси.  
**У. ҚЎЧҚОРОВ,**  
Нуробод районидаги  
«Каттақўрон»  
давлат хўжалиги  
касаба ўюшмаси  
қўмитаси раиси.

Чернобиль ҳалокатидан зиён қўрган фуқароларни ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши Раёсати ва Вазирлар Мажкамаси қарор киладилар:

1. Чернобиль ҳалокатидан зиён қўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларга бериладиган ҳак-хукуқлар, компенсация пули ва имтиёзлар рўйхати тасдиқлансан (илова қилинади).

Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ҳамда идоралари Чернобиль ҳалокатидан зиён қўрган фуқароларни имтиёзлар ва компенсация пуллари билан таъминлаш ҳақида тегишли қарорлар қабул қилининлар.

2. Чернобиль ҳалокатидан зиён қўрган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилинга сарф бўладиган ҳаражатлар Пенсия фонди, ижтимоий суғурта маҳаллий ва республика бюджетлари маблағлари ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги:

1992 йилнинг 1 июлигача Чернобиль ҳалокатидан зиён қўрганлар ҳақидаги маълумотларнинг Давлат рўйхатини тузсинлар, унга 1986 йилда заарланган зонада муддатли ҳизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларни ҳам киритсанлар;

юкорида кўрсатилган фуқароларни ва уларнинг 1986 йилдан кейин туғилган болаларни диагностика қилиш, кузатиб бориш ва даволаш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқсанлар ва жорий этснлар;

кўрсатилган тоифага кирувчи фуқа-

роларга стационар даволаниш чоғида пархез овқатланиш ва дори-дармон таъминоти бўйича Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва байнамилалчи жангчилар учун назарда тутилган имтиёзларни жорий қилининлар.

4. Чернобиль АЭСидаги ҳалокатни бартараф этишда иштирок қилганларга ва уларнинг болаларига санаторийлар, санаторий-профилакторий ва санаторий типидаги пионер лагерларига биринчина назарбатда белуп йўлланмалар беришни таъминлаш Ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацияси Кенгашидан сўралсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги ва «Ўзбекбрлашув» Ченобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф этиш ишларида қатнашган фуқароларни худудий асосда биринчиланган дўконлар орқали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тавсия этган нормада озиқ-овкат махсулотлари билан таъминласинлар.

6. «Чернобиль» жамиятининг «Ўзбекистон чернобилчиллари» ўюшмасини тузиш ҳақидаги таклифи қабул қилинисин.

7. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари:

«Чернобиль» худудий жамиятларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти учун зарур шароитлар яратиш билан биринчиланган ҳарбий ҳизматчиларни ҳам киритсанлар;

уч ойлик муддатда «Чернобиль» жамоат ташкилотларига ва уларнинг бўлнималарига тегишли биноларни берсинлар, шунингдек, уларга зарур асбобини таъминлашсанлар;

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашиning Раиси  
Ш. ЙУЛДОШЕВ.**

анжомлар, жиҳозлар, автотранспорт ажратиш ва телефонлар ўрнатиш билан боғлик масалаларни ҳал этсинлар;

«Чернобиль» жамоат ташкилотларига ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналари, ёрдамчи ва фермерлик хўжаликлари, боғдорчилек ширкатлари учун биринчидан навбатда ер майдонлари ажратсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

ташкил этилаётган «Ўзбекистон чернобилчиллари» ўюшмасига унинг тикланиш даврида маъмурӣ-хўжалик ҳаражатлари ва иш ҳаки фонди учун хисоб-китобларга мувофиқ 200 минг сўм ажратсин;

ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ривожлантириш мақсадида Чернобиль ҳалокатидан зиён қўрган ишчиларига 60 фоиздан кам бўлмаган «Чернобиль» жамоат ташкилотлари бўлинмаларига ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат банки, Ўзбекистон саноат-куриш банки, Ўзбекистон дехкончилик-саноат банки билан биргаликда имтиёзли равишда кредит ресурслари бериши таъминласин.

9. Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компанияси хайрия тадбирларини, телекўрсатувларни вакт-вакти билан ташкил этиб турсинлар, улардан тушадиган маблағлар Чернобиль ҳалокати оқибатида зиён қўрган фуқароларга маддий ёрдам кўрсатиш учун «Ўзбекистон чернобилчиллари» ўюшмасининг хисоб-китоб счетига йўналтирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош Вазири  
А. МУТАЛОВ.**

хизмат сафарига жўнатилган) шахслар, шунингдек, жойлашиш ўрни ва бажараётган вазифасидан қатъи назар, маҳсус йигинларга чақирилган ва авария оқибатларини тугатиш билан боғлик бу даврдаги ишларни бажаришга жалб қилинган ҳарбий ҳизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахслар, шунингдек, 1988—1989 йилларда заарланган зонада ҳизмат вазифасини ўтаган ички ишлар организаторининг бошликлари ва оддий составдаги шахслар.

**ІІ. НУРЛАНИШ КАСАЛЛИГИГА ЧАЛИНГАН ШАХСЛАРГА ВА НОГИРОНЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛИ ВА ИМТИЁЗЛАР**

Мазкур рўйхатнинг 1 бўлими 1-бандида кўрсатилган шахслар қўйидаги хуқуқларга эга:

1). дори-дармонларни белуп олиш (врачларнинг рецепти бўйича), ҳар йилги санаторий ва курортда белуп даволаниши таъминлаш ёки курорт йўлланмаси ўртасида қиймати миқдорида компенсация пулларини олиш, турар жойдан даволаниш, диспансерлик, амбулатория ёки клиник кузатув жойигача транспортда белуп (таксидан ташкири) бориш ва келиш;

2). ясама тишларни белуп тайёрлаш ва тузатиш (қимматда боҳо металлдан тайёрланган ясамалар бундан мустасно-дир).

(Давоми 6-бетда).

**ЧЕРНОБИЛЬ ҲАЛОКАТИДАН ЗИЁН ҚЎРГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ФУҚАРОЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАР, ПУЛ КОМПЕНСАЦИЯЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАР РЎЙХАТИ**

### 1. ФУҚАРОЛАРНИНГ ТОИФАЛАРИ

Мазкур ҳалокатнинг амал қилиши Чёрнобиль ҳалокатидан зиён қўрган фуқароларнинг қўйидаги тоифаларига таъбиқ этилади:

1). Чернобиль АЭС аварияси ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек, Чернобиль фалокати сабабли ногорон бўлиб қолгандар;

а). Чернобиль АЭСда ишлаган ёки авария натижасида заарланган зонада ҳалокат оқибатларини тугатиш ишларни ёки ҳизмат сафарига жўнатилган) шахслар;

б). маҳсус йигинларга чақирилган ва авария оқибатларини тугатиш билан боғлик заарланган зонадаги ишларни ҳарбий ҳизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахслар.

\* Шу жойда ва бундан кейин бу тоифага кўйидагилар киради: ССРР Куролли Куччарни, ССРР Давлат хавфзизлиги комитети күшинлари ва органлари, ички ва темир йўл кўшиллари ва

бошка ҳарбий тузилмалардаги ҳақиқий муддатли ҳизматдаги офицерлар состави, праторишилар, мичманлар, муддатдан ташкири ҳизматда бўлган ҳарбий ҳизматчилар, ҳарбий ҳизматчиллар, сержант ва оддий составдагилар.



(Боши 5-бетда).

3). меҳнатга вақтнинча лаёқатсизлиги туфайли, узлуксиз иш фаолиятидан қатъи назар, ойлик маошининг 100 фоизи миқдорида нафақа олиш;

4). меҳнатга вақтнинча лаёқатсизлиги туфайли сурункасига 4 ойгача ёки календарь йилда 5 ойгача нафақа олиш, агар улар ишловчи ногиронлар бўлиб ҳисоблансалар;

5). имтиёзилар орасидан турар жой шароитини яхшилашга муҳтож деб топилган тақдирда устун даражада турар жой майдони ёки алоҳида хона кўринишидаги кўшимчага турар жой майдони билан таъминлаш;

6). ўзи ва оила аъзолари яшаётган турар жой учун ишчи ва хизматчиликага белгиланган квартира ҳақининг 50 фоизи миқдорида (амалдаги қонунларда бёлгиланган нормалар доирасида) ҳақ тўлаш.

Кўрсатилган шахсларга, шунингдек, Чернобиль аварияси натижасида ҳалок бўлганлар, нурланиш касаллиги туфайли вафот этганлар ва вафот этган ногиронларнинг оиласларига иситиш, электроэнергия, водопровод, газдан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақининг нархидан 50 фоиз чегириб ташланади, марказлаштирилган иситиш тармоғига эга бўлмаган уйларда яшовчилар учун эса — аҳолига сотилган миқдорда сотиб олинган ёқилги нархининг 50 фоизи тўланади.

7). Давлат турар жой фондидаги ўзлари яшаб турган турар жойларни текинга шахсий мулк қилиб олиш;

8). тиббий кўрсатмаларга биноан кам иш ҳақи билан янги жойдаги иш ҳақи ўртасидаги фарқни олиш. Бу фарқ иш қобилияти тиклангунга ёки ногиронлик белгилангунга қадар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тўланади;

9). Чернобиль АЭС аварияси оқибатида касалланганлиги ёки шикастланганлиги сабабли қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиландиган ҳақиқий етказилган зарарни копладиган миқдорда ногиронлик нафақаси тайинланади.

Юқоридаги сабабларга кўра боқувчисидан ажраб қолган ҳолларда оила аъзоларига меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир оила аъзоси учун ойлик маошининг 40 фоизи миқдорида пенсия тўланади. Фуқароларнинг ҳоҳишига кўра зарарланган зонада ишлаган тақтидаги иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади;

10). Ҳарбий хизмат (хизмат вазифалари)ни ўташ вақтида яраланган, ногирон ёки контузия бўлган ҳарбий хизматчиларга, ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий составдаги шахсларга ҳамда боқувчисидан ажралган ҳолларда уларнинг оиласларига қонун билан белгиланган тартибда ва нормаларда пенсия тайинланади. Бунда офицерлар составидаги шахсларга, прапоршчиклар, мичманлар, муддатдан ташқари хизматда бўлган ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматчи аёлларга, ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий составдаги шахсларнинг ҳоҳишига кўра кўрсатилган сабабларга кўра ногиронлик пенсияси зарарланган зонада ишлаганлиги учун кўпайтирилган пул маблагидан ҳисобланниши мумкин.

Бундан ташқари ҳақиқий ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматиларга ва уларнинг оиласларига бериладиган ногиронлик нафақаси энг из миқдордаги маошининг беш баробар кўпайтирилган миқдорида тўланishi мумкин;

11). улар билан яқин қариндошлари яшамаса, ижтимоий таъминот органлари томонидан ўйда хизмат кўрсатиш;

12). озиқ маҳсулотлари истеъмол қилишининг оқилона нормаларига мувофиқ озиқ-овқат моллари билан таъминлаш;

13). ҳамма турдаги шаҳар йўловчи ташиш транспортларида (таксидан ташқари) ўзи яшаб турган маъмурий нохия доирасидаги қишлоқ жойлардаги умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида, шунингдек, шаҳардан ташқаридаги маршрутларда қатнайдиган автобусларда бепул юриш, йилда бир марта (бориши ва келиш) темир йўлда бепул юриш, темир йўли бўлмаган нохияларда эса ҳаво, сув ёки шаҳарлараро автомобиль транспортларида биринчи навбатда чипталар сотиб олиш ҳуқуки билан юриш;

14). ҳар йили бир марта улар хоҳлаган вақтларда меҳнат таътилидан фойдаланиш, шунингдек, иш ҳақи сақланган ҳолда 14 календарь кундан иборат ҳар йилги қўшимча таътил олиш;

15). бўйдоклар, ёлғизлар ва кам болали фуқароларни уларнинг даромадларидан олинадиган ҳар қандай солиқлардан озод қилиш; Бўйдоклар, ёлғизлар ва кам болали фуқаролардан олинадиган солиқлардан жабрланувчиларнинг эр ва хотинлари ҳам озод қилинадилар;

16). биринчи навбатда телефон ўрнатиш:

17). ходимлар сони ёки штат қисқаргандага асосан ўз иш жойидаги қолдириши;

18). биринчи навбатда:

а). ўй-жой куриш кооперативларига, транспорт воситалари ва уларга техника хизмати кўрсатиш учун умумий гаражлар ва тўхташ жойлари куриш ва улардан фойдаланиш кооперативларига, боғдорчиллик (ширкатлари) кооперативларига кириш;

б). бўғ ўчалари ёки уларни куриш учун куришиш жиҳозларини, эҳтиёж катта бўлган саноат моллари, шу жумладан, енгил автомобиллар, мотоцикллар ва моторли қайиқлар сотиб олиш;

в). майши хизмат, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни тузатиш, умумий овқатланиш корхоналаридан, ўй-жой коммунал ҳўжалиги муассасаларидан, алоқа ва шаҳарлараро транспортда хизмат кўрсатиш;

19). якка тартибда ёки кооператив ўй-жой курилиши учун фойзисиз ссуда (қарз) олиш;

20). якка тартибда ўй-жой куриш учун биринчи навбатда ер участкалари олиш;

21). даволаш-профилактика муассасаларидага ва доринчоналарда биринчи навбатда хизмат кўрсатиш;

22). пенсияга чиққунга қадар ёки иш жойи ўзгаргунга қадар биринчирилган поликлиникадан пенсияга чиққанда ва иш жойини ўзгартирилганда ҳам фойдаланиш;

23). болалар мактабгача тарбия муассасаларидага, даволаш ва санаторий типидаги ихтинослаштирилган болалар муассасаларидага, кашшофлар лагерларидага ва бошқа соғломлаштириш муассасаларидага, улар қайси идоага қарашлилигидан қатъи назар, болаларни жойлар билан навбатдан ташқари таъминлаш;

24). қариялар ва ногиронлар учун ўй-интернатлардаги жойлар билан имтиёзли таъминлаш.

Чернобиль АЭС аварияси оқибатларни бартараф этиши сабабли ногирон деб топилган шахсларга I ва II гурух но-

## ЧЕРНОБИЛЬ ҲАЛОКАТИДАН ЗИЁН КЎРГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ФУҚАРОЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАР, ПУЛ КОМПЕНСАЦИЯЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАР РЎЙХАТИ

гиронлиги умрбод, III гурух ногиронлигига врач кўригидан қайта ўтиш 5 йил муддатга белгиланади. Ногиронлик сабаби «ЧАЭСдаги ҳалокат сабабли» деб кўрсатилади. Ушбу бўлимнинг 5—7, 16, 18—20, 23—24-бандларида назарда тутилган компенсациялар ва имтиёзлар Чернобиль АЭС аварияси оқибатида ҳалок бўлган, нурланиш касали натижасида вафот этган ва вафот этган ногиронларнинг оиласларига ҳам жорий қилинади.

### ІІІ. ЧЕРНОБИЛЬ АЭСДАГИ ЗАРАРЛАНГАН ЗОНАЛАРДА АВАРИЯ ОҚИБАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА КОМПЕНСАЦИЯЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ

Ушбу Рўйхатнинг 1 бўлими 2-бандида кўрсатилган шахслар мазкур Рўйхатнинг 11-бўлими 2, 3, 6—7, 12, 14, 16, 18, 20—24-бандларида кўрсатилган компенсация ва имтиёзларга, шунингдек, қўйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

1). ўта заарли ва ўта оғир шароитдаги меҳнат билан машғул бўлган ходимлар учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ назарда тутилган имтиёзли шартларда қарилек пенсиясига қўйидагилар чиқади:

эркаклар — 50 ёшга тўлиб, заарларнган зонада қанчавақт ишлаганидан қатъи назар, камида 20 йиллик иш стажига эга бўлса;

аёллар — 45 ёшга тўлиб, заарларнган зонада қанчавақт ишлаганидан қатъи назар, камида 15 йиллик иш стажига эга бўлса;

қарилек пенсияси ёшига етгач қўшимча равишида қарилек пенсиясининг энг кам 30 фоизи ҳажмидаги қўшимча олиш;

2). олаётган иш ҳақи (даромад)ни ҳисобга олмасдан қарилек пенсиясини тўла миқдорда олиш;

3). иш жойидан ҳар йили санаторий-куортот эки бўшларни соғломлаштириш муассасига бориш учун (медицина кўрсатмалари бўлганда) биринчи навбатда текин йўлланма билан таъминланши;

4). яшаш шароитларини яхшилаш зарур деб топилса, биринчи навбатда ўй-жой билан таъминланши;

5). ҳамма турдаги шаҳар йўловчи ташиш транспортни (таксидан ташқари)да ва ўзи яшайдиган қишлоқ жойлардаги умумий фойдаланилайдиган автотранспорт (таксидан бўшларни) да маъмурый районда, шунингдек, шаҳар атрофидаги қатнайдиган темир йўл ва шаҳар ташқарисидаги маршрутларда қатновчи автобусда бепул юриш;

6). якка тартибда ва кооператив ўй-жой қурилишига фойзисиз қарз (ссуда) олиш;

Ушбу Рўйхатнинг 11 бўлими 6,7 ва 16-бандларида кўзда тутилган компенсация ва имтиёзлар Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишида иштирок этган шахсларга саломатликларини тикилаш учун ҳар йили энг кам иш ҳақи миқдорининг икки баравари миқдорида моддий ёрдам пули тўланади.

Мазкур Рўйхатнинг 1 бўлими 3-бандида кўрсатилган 1988 йилда Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишида иштирок этган шахсларга саломатликларини тикилаш учун ҳар йили энг кам иш ҳақи миқдорининг икки баравари миқдорида моддий ёрдам пули тўланади.

Мазкур Рўйхатнинг 1 бўлими 3-бандида кўрсатилган 1989 йилда Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишида иштирок этган шахсларга саломатликларини тикилаш учун ҳар йили энг кам иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам пули тўланади.

3). ота-оналардан бирининг ёки уларнинг ўрнини боса оладиган шахслар ҳамроҳлигига темир йўл бўлмаган жойларда эса ҳаво, сув йўллари ёки шахарлараро автомобиль транспортни воситасида даволаш муасасаларининг йўлланмаси бўйича даволаниш ёки санаторий-куортот жойларигача текинга бориш ва келиш, биринчи навбатда чипталар олиш;

4). кашибофлар лагерларидаги (умумий ва санаторий тирадаги) ва бошқа согломлаштириш муассасаларидаги ҳар йил текинга даволаниш;

5). конишчирилган оиласларга (умумий ва санаторий тирадаги) ва бошқа согломлаштириш муассасаларидаги ҳар йил текинга даволаниш;

### V. НОГИРОНЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИГА ВА БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН ОИЛАЛАРГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАШ

Ушбу Рўйхатнинг 1 қисми 1-бандида кўрсатилган ногиронларга уларнинг саломатлигига етказилган заарар учун қўйидаги миқдорларда бир йўла компенсация тўланади: I гурухга — 10 минг сўм; II гурухга — 7 минг сўм; III гурухга — 5 минг сўм. Уларга ҳар йили саломатликларни тикилаш миқсадида қўйидаги миқдорларда моддий ёрдам пули ҳам тўланади: I ва II гурух ногиронларига энг кам иш ҳақи миқдорининг 3 баравари; III гурухга — энг кам иш ҳақи миқдорининг икки баравари миқдорида.

Чернобиль ҳалокати оқибатида боқувчини йўқотган болали оиласларга бир йўла 10 минг сўм, ҳалок бўлганинг ота-оналарига 5 минг сўм миқдорида компенсация пули тўланади.

### VI. ЧЕРНОБИЛЬ АЭСДАГИ АВАРИЯ ОҚИБАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ИШТИРОКЧИЛАРИНГ САЛОМАТЛИКЛАРИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАШ

Мазкур Рўйхатнинг 1 бўлими 3-бандида кўрсатилган 1988 йилда Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишида иштирок этган шахсларга саломатликларини тикилаш учун ҳар йили энг кам иш ҳақи миқдорининг икки баравари миқдорида моддий ёрдам пули тўланади.

Мазкур Рўйхатнинг 1 бўлими 3-бандида кўрсатилган 1989 йилда Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишида иштирок этган шахсларга саломатликларини тикилаш учун ҳар йили энг кам иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам пули тўланади.

# Биздан сурабсиз



???

**Жамоа аъзоларига меҳнат таътили қай тартибда берилади?** 1989 йил 8 дебрда «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида шу ҳақда лойиҳа чиққан эди, лекин у тўғрисидаги қонун бизга етиб келганича йўқ. Шундан сўнг жамоа аъзоларининг умумий йигилишида меҳнат таътилини ўзимиз белгиладик. 1991 йилдан эса жамоа аъзоларининг белгиланган иш стажи ва календарь кунларига кўра меҳнат таътили бера бошладик. Аммо йил охирида тафтишчилар келиб ишимизни нотўғри дейишди. Умумий йигилиш ҳарорини ҳам бекор дейишди. Шу тўғрими?

Биз иш стажи 10 йил ва ундан ортиқ бўлган мутахассисларга 28 календарь кун, колхозчиларга 24 календарь кун; иш стажи 5 йил ва ундан ошиб бўлганларга 26 ва 22; иш стажи 3—5 йилгача бўлганларга 21 ва 20; иш стажи 1—3 йилгача бўлганларга 20 ва 18 календарь кун белгилаган эдик. Шунга аниқлик киритиб берсангиз.

**Э. Хидиров,**  
Сурхондарё вилояти Шўрчи райони,  
Киров номли жамоа ҳўжалиги.

## САВОЛГА ҲУҚУҚШУНОС Ҳ. ПИРИМҚУЛОВ ЖАВОБ БЕРАДИ.

Газетада эълон қилинган «Отпускалар ҳақидаги қонун» лойиҳаси Олий Кенгаш томонидан қабул қилинмаган, яъни у қонуний кучда эмас.

Амалдаги қонунчилик бўйича ишчи-хизматчиларга ҳар йили иш жойи ва маоши сақланган ҳолда 15 иш кунидан кам бўлмаган меҳнат таътили берилади. Айрим ҳолдагина, яъни ишчи ходим узрсиз сабабга кўра прогул қиласа бўлса, шу қилинган прогул кунларига тенг ҳисобида меҳнат отпускаси қисқартирилиши мумкин.

Аммо бундай қисқартирилганда меҳнат таътилининг ҳажми 12 иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Бундан ташқари, қўшимча меҳнат таътилилари ҳам жорий қилинган бўлиб, улар меҳнат қонунлари мажмуасининг 82 ва 83 — моддадаридан кўрсатилган.

Шу мажмуанинг 6-моддасида айтилишича, маъмурият меҳнат жамоаси касаба уюшмалари қўмитаси билан келишиб ўз шахсий маблағлари ҳисобидан мэҳнат жамоасига ёки айрим тоифадаги ишчи-хизматчиларга қонунчиликда кўрсатилгандан кўра зиёдроқ имтиёзлар ўрнатиши мумкин.

Демак, сиз саволингизда кўрсатган қўшимча имтиёзлар юқоридаги қоидага амал қилинган ҳолда жорий этилган бўлса, тафтиш холосаси гайри қонуний бўлади.

???

Биз олий ўқув юртларининг бирида ўқиймиз. Бизни ўқувчиларга, талабаларга тўланадиган нафақалар қизиқтиради. Илтимос, бу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

**Ш. Тошпўлатов, Д. Икромов,**  
Самарқандлик талабалар.

## БУ САВОЛГА ҲУҚУҚШУНОС М. ЛУКМОНОВ ЖАВОБ БЕРАДИ.

Амалдаги қонунчиликка кўра, ўқув юртларига, курсларга, аспирантура ёки клиника ординатурасига киргунига қадар ишламаган олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг, би-

лим юртларининг, кадрлар тайёрловчи мактаблар ва курсларнинг ўқувчиларига, аспирантлар ва клиника ординаторларига нафақалар қуидаги ҳолларда:

— иш вақтида шикастланиш ёки ишлаб чиқариш таълими ёхуд практикасини ўташ билан боғлиқ касб касалликлари оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳолларда — ўқув юртида, курсларда, аспирантурада ёки клиника ординатурасида қанча вақт бўлганидан қатъи назар тайинланади. Бунда иш вақтида шикастланиш ёки ишлаб чиқариш таълими ёхуд практикасини ўташ билан боғлиқ касб касалликлари оқибатида ногирон бўлиб қолишга — давлат ёки жамоат бурчларини ёки маъмуриятнинг, давлат идораларининг, республика қонунларига мувофиқ белгиланган тартибда рўйхатга олинган фирмә, касаба уюшмаси ёки бошқа жамоат ташкилотларининг топширикларини бажариш муносабати билан ёки инсон ҳаётини сақлаб қолиш, давлат, жамоат мулкини, фуқаролар мулкини ҳамда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасида фуқаролик бурчини бажариш муносабати билан юз берган ногиронлик тенглashingтирилади;

— умумий касаллик оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳолларда — агар ўқувчи, аспирант ёки клиника орденатори ўқув юртида, курсларда, аспирантурада ёки клиника ординатурасида қонунда кўрсатилган тегишли муддат давомида таълим олайтган бўлса ҳам бундай нафақалар тайинланади.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига нафақалар ишлаб чиқариш таълими, практикаси ёки амалий машғулотларни ўташ билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиш оқибатида ногирон бўлиб қолган тақдирда қанча вақт таълим олганлигидан қатъи назар тайинланади.

Юқоридаги шахслар иш вақтида шикастланиш ёки ишлаб чиқариш таълими ёхуд практикасини ўташ билан боғлиқ касб касалликлари оқибатида ногирон бўлсалар, ногиронлик нафақалари миқдори, умумий асосларга кўра белгиланади. (I, II, гуруҳ ногиронларига — иш ҳақининг 55 фоизи, III гуруҳга 30 фоизи миқдорида).

Бунда энг кам миқдордаги нафақалар I, II гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 100 фоиз миқдорида, III гуруҳ ногиронларига 50 фоиз миқдорида тайинланади.

## ТИЖОРАТ САВОЛ — ЖАВОБЛАРИ

???

**Касбим — газ соҳасида б-разрядли электр пайвандчилар, 5 йилдан бўён қурилишда шу касб бўйича ишлаб кела-ман. Ёшим 28 да, оиласа, икки фарзандим бор.**

**Айтинг-чи, чет элга ишлаш учун бориши тўғрисида қаерга мурожаат қилиш мумкин. Шу ҳақда маълумот берсангиз**

**Фахриддин Усмонов,**  
Навои вилояти, Зарафшон шаҳри.

Биз чет элга бориб ишлаш тўғрисидаги саволингиз хусусида Республика Меҳнат Вазирлигининг ташқи алоқалар бўлими мудири Наримон Ҳасановдан қуидаги жавобни олдик:

«Ҳозирги кунда чет эллар билан ишчи кучлари алмашиб ёки чет элга ишчиларни юбориш бўйича бизнинг Мустақил Республикамизда ҳам дастлабки ишлар йўлга қўйилмоқда. Лекин ҳозирча фақат араб мамлакатлари, хусусан Саудия Арабистони бўйича битимлар тузилемоқда, лекин бу ишлар ҳали якунига етгани йўқ. Иил охиригача узулкесил ҳал этилади деган умиддамиз.

Агар сиз бу ишлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлмоқчи бўлсангиз ёки ўз касб-

корингиз бўйича рўйхатдан ўтиб қўйишни истасангиз Тошкент шаҳар Абай кўчасидаги 4-үйда жойлашган Ўзбекистон Меҳнат вазирлигининг ташқи алоқалар бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин. Яна шуни ҳам айтиб қўйишимиз керакки, касбингиз бўйича чет элда ишлаш учун албатта ишчилар қабул қилинади. Сиз унгача инглиз тилини ўрганишга ҳаракат қилсангиз мақсадга мувофиқ бўлади».

???

**Иккинчи фарзандим 1991 йил 17 марта тугилган. Айрим сабабларга кўра, у 7 ойлик бўлганда унга тугилганлик ҳақида кечикиб ҳужжат олдик. Боламга у тугилган кун, яъни 17 мартадан бошлаб нафақа ва суюнчи пулларини олишига ҳақлиманими?**

**Шермат Мамадалиев,**  
Қашқадарё вилояти  
Косон райони.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгашининг 1992 йил 22 январидаги 20-52 рақами мактубига мувофиқ, бола 1,5 ёшга етгунча уни парваришиш учун ҳар ойда тўланадиган нафақа, агар уни тайинлаш учун бола 1,5 ёшга тўлмасидан олдин мурожаат қилинган бўлса, бола тугилган кундан бошлаб тайинланади ва бола шу ёшга етгунича тўлаб борилади.

???

**Үқитувчиман. Китоб шаҳридаги Усмон Юсупов кўчасининг 23 ўй, 1-хона-донидаги яшайман. 1977 йилдан буён ўз соҳам бўйича ишлаб келяпман, б фарзандим бор.**

**Биз яшётган уй турмуш ўргонмга унинг ишхонасидан — Китоб дехончилик саноати банки ихтиёридан берилган. Мен шу уйни ўз номимга ўтказишм учун кимга ва қандай ҳужжатлар билан мурожаат қилишим керак? Умуман мен шу уйни бепул ўз номимга олишим мумкини?**

**Лола Норова,**  
Қашқадарё вилояти Китоб шаҳри,  
У. Юсупов кўчаси, 23 ўй.

Ушбу саволга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгашининг қонун чиқариш ташаббуси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўлими маслаҳатчиси О. Заволунов жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги ва 1992 йил 5 февралдаги Фармонларига биноан муаллимлар давлатга ҳам, идораларга ҳам тегишли уй ва квартиralарни бепул шахсий мулк қилиб олиш, шунингдек, квартира ва уй ҳақини, коммунал хизматлар ҳақини тўлашда имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлатга ёки идорага тегишли уйда ёки квартирада яшовчи муаллим шу уй ёки квартирини ўз шахсий мулкига олмоқчи бўлса:

— агар муаллим маҳаллий ҳокимиятга қарашли уй-жойда яшётган бўлса — ҳалқ депутатлари тегишли Кенгашининг ижроия қўмитасига (ҳокимиятга):

— идорага қарашли уй-жойда яшётган бўлса, тегишли корхона, ташкилот раҳбарлари номига ёзма ариза билан мурожаат қилиши лозим.

Аризага қуидаги ҳужжатлар қўшиб тақдим этилади:

— аризачининг иш жойидан унинг муаллимлик илмий фаолияти ҳақида маълумотнома; пенсионерлар учун, илмий-муаллимлик соҳасида камидаги 10 йил ишлагани тўғрисида район ҳалқ таълими бўлимидан, ўқув юртидан берилган маълумотнома;

— ордернинг нусхаси, ордер бўлмаса — уй-жой паспорти;

— ариза билан бирга яшовчи балогатга етган барча оила аъзоларининг мазкур уй, квартиранинг аризачига шахсий мулки қилиб беришга рози эканликларининг ёзма баёни.



«ИШЛАБ, маҳсулот чиқаряпмиз. Маош оляпмиз. Бола-чақа боқяпмиз. Кайфиятимизга келсак... Ҳозирча ёзмай турганинг маъкул биз ҳақда». Начора. Шаҳрихондан Худойберди

Абдуллаев ва унинг «Зайли замон» корхонаси ҳақида ёзмайдиган бўлиб қайтдим. Мени дарвоза олдида тўрт ёшли ўғилчам кутиб олди.

— Ая, ўйинчоқ обкелдизми? (ҳар кунги савол)

— Дўкон берк экан, эртага обкелман, болажон. (ҳар кунги ёлғон, на илож, болакай ҳозирги тақчил, кимматчилик кунларни тушунадими?)

Хаёлимга боя «Зайли замон»да кўрган, эшитганларим лоп этиб урлади.

— Мана бу дастгоҳни агар Россиядан сотиб олсан камида 150 минг сўм кетарди. Биз эса, уни ўшандоғ дастгоҳ чизмаларига қараб, мутахассислар ёрдамида ўзимиз «ясад» олдик. Ун минг сўм кетди.

— Нима ишлаб чиқаради?

— Болалар ўйинчоқлари. Олти турдагисини. Арслонлар, Маймунчалар ҳам чиқади. Ўдаги неварамга ўхшаш қизчалар учун кўғирчоқлар ҳам,— Худойберди ака тин олди.— Сизга айтсан 7 ўслим, 2 қизим бор. Невараларим бир ҳовли бўлади тўпланса. Ҳаммаси ўйинчоқ сўрайди. Битта жангарироғи бор, на алдаганни билади, на замонни тушунади. Аслида, ўзбекман деганинг ҳаммаси болажон. Демак ҳамма уйда бор бу машмашалар. Шу ўзимизнинг Шаҳрихондаги катта магазинда битта духоба айн ӯйинчоқни 300 сўм деб ёзиб қўйишган. Айтинг, ким шартта сотиб олади. Олганда ҳам эртагаёт айиқчанинг «оёғи»ни синдириб, қўзини тушириб қўйишдан қўрқмайдиган боласига тутқазиб қўядими? Рост айтсан, ий. Буни 700—1000 сўм маош олиб ишлабётган одам сираям қиломайди. Лекин, бола барибир бола. Ота-она ҳам уни тушуниши керак. Мана шунақа ўйлар билан бошладик бу ишни. Нақиб этса, ҳадемай «Зайли замон» деган ёрлиқ билан ўйинчоқлар чиқара бошлаймиз.

Ажаб эмас. Хаёлимдан ўзимча қувонаман. Ўғилчамни етаклаб уйга кираман. «Аям келдилар». Саккиз ёшли қизчам пешвоз югуради.

«Аяжон, уйни ҳам, айвонни ҳам супуриб тозаладим. Идишларни ювдим».

«Пиёлаларни синдири» — укаси гапга қўшилади.

«Тўртта холос. Секин юваётвидим, барибир қўлимдан тушиб кетди. Синиб қолди».

— Бўпти, келган балога даф бўлсин,— овутаман дастёrimни. Овута-

ману беихтиёр тўртта пиёланинг ҳозир қанча туриши фикримга урлади. Яна «Зайли замон» дастгоҳларини эслайман. Худойберди ака уни бир бошдан тушунтирганди.

— Мана бу уччала дастгоҳда пиёла чиқарамиз. Ликопчалар ҳам. Бир томоша қилинг, майда кўмтошдек хомашё бир тарафдан кириб механизмлар ёрдамида бир тарафдан пиёла бўлиб чиқиб кетади. Ишчиларимиз ҳавосини олиб қолди. Ишбай асосида уч минг сўмга етказиб маош олдётгандар бор.

— Худойберди ака, нима тақчил, нима элга зарур бўлса шуни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб яхши иш бошлабсизлар.

— Ранги қорами?

— Ҳа, лекин ўша сизу биз билган оқ тўқумали резинағичдан қолишмайди. Ўзиям уч марта пиширганимиз хом ашёсини. Фақат бу қора резинани метрлаб чиқариб бўлмайди. Биз уни тайёр ўлчамлар билан чиқаряпмиз. Эллик олти-ми, қирқ саккизми, ўттизми, ҳамма ўлчами бор. Чеварлар буни шундоқ мато орасига қўяди-ю чокини букиб қўя қолади. Энди, ийқдан кўра жонга малҳам бўлиб турсин дедик-да. Борига барака.

Борига барака... Идоралар ва мактаб ўқувчилари учун ҳисоб чўтлари, олти турдаги ранго-ранг шаклли тароқлар, хорижникини йўлда қолдиридан пойафзал тагчармлари, пичоқ-

бел боғлашибди.

Худойберди ака ғалати феълли одам. Майдагаплик, мижғовликни жини сўймайди. Шұҳратпарастлик эса мутлақоғиғида ёт. Кўринишидан соқин, аммо дарёдил одам. Менга бу ҳақда Шаҳрихон тадбиркорлари қасаба уюшмаси раиси Қурдатилла Сайдуллаев айтганди. Рост экан. Дастваб «ҳа, энди битта кичик корхона-да» деб қўйди. Астайдил қизиқнанимиз билгач соддагина, мослаштирилган биноларга жойлашган цехларини бирмабир кўрсатди. Ҳар бир дастгоҳни қандай топишганди, қандай ишлаши, нима маҳсулот чиқариши ҳақида батафсил тушунтириди. Унинг мана шу ҳолатиданоқ бу цехлар ишгатушиб маҳсулот бергунча Худойберди Абдуллаев не машаққатлар тортгани, бу ердаги ҳар бир мурват ҳам унга шунинг учун қадрдан бўлиб қолганини англаш қийин бўлмади. Корхонага экспурсиямиз тугаганда у шундай деди:

— Бизни жуда-а мақтаб ўзманд. Шунчаки, замон зайнини тушуниб фикрлайпмиз, ишлайпмиз, шу аснода бола-чақа боқяпмиз, холос. Ёзай дессангиз, алоҳида хом ашё фондимиз йўқлигини, молиявий солиқларимиз қарийиб етмиш фоизга етиб қолганини ва бундан кайфиятимиз зўр эмаслигини ёзинг.

— Ҳайрон бўлманд. Ҳисоблаб кўрайлими? Суғурта солиғи — зарур. Пенсия фонди — зарур, биламиз. Мехнат биржаси учун ҳам уч фоиз тўляпмиз. Мехнат биржасининг ҳам мақсади эзгу, биламиз. Бу ҳам зарур солиқлар кўп. Лекин бу кўплик...

Худойберди аканинг «лекин»и бирдан «Яшаш учун кураш» деган иборага урилгандек бўлади. Яшаш учун кураш... Бу кураш ҳамиша адолат тарозусида турса яхши. Солиқларнинг кўпу катталиги одамларни «яшаш учун кураш»нинг бошқа йўлларига ўргатиб қўймасмикин!

Феъллари элсуря Юсуф Ялангтўшга ўхшаб кетадиган (шундай ўхшашлик сездим) шаҳрихонлик Худойберди ака Абдуллаев ва унинг хусусий корхонаси ҳақидаги мақолани қандоқ қоғозга туширганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Ёзмасликка ҳўп девдим, лекин бунга кенжатойимнинг ўйинчоқ сўрови, қизимнинг пиёла синдириши, мендан эскини эплаш маҳоратини кутган пайпоқли иштончалар сабаб бўлди.

Замира РЎЗИЕВА,  
«Ишонч»нинг маҳсус  
мухбири, Андижон  
вилояти.

## «ЗАЙЛИ ЗАМОН» КОРХОНАСИДА

— Ҳа, пиёлаларимиз елидан. Лекин корхонамиз бир куни кенгайиб яхшиларини ҳам чиқариш фикримизда ий.

Ажаб эмас... барибир ёзмайман-ку, дейманда, уй ишларига чалғииман. Ишим кўп ахир. Анча-мунча ииртиқамоқ ҳам қилишим керак. Ана, бир нечта пайпоқли иштончалар. Ҳозирги тилда колготкалар. Барининг пайпоқ қисми ииртиқ. Уларни қирқиб ташлаб, текисгина букиб қўйсам бас, оддий иштончалар ҳосил бўлади. Ҳар ҳолда болалар кийиб турса бўлади. Лекин резинабоғичи... Одатда боланинг кийими кўп ювилади, ювилган сари эса резина боғичлар ипга айлана боради. Аввалги кунлар бўлса-ку, ҳар метрини саккиз тийиндан резина боғич олиб келардим-да, янгилаб қўярдим. Лекин ҳозир... бу матох камёблик тахтига чиқиб олган. Ҳеч бир магазинда йўқ. (Ёлғончи бўлмайну, чайқовдан 10 метрини ўттиз-уттиз беш сўмга топса бўлади) Товба, нима бўляпти, яна хаёлим боя «Зайли замон»да кўрган, эшитганларимга кетади-я.

— Мана бу дастгоҳларда ҳозир анқонинг уруғи бўлиб қолган резина боғич чиқарамиз. Фарона водийсидаги бир нечта трикотаж фабрикалари жон деб оляпти биздан.

соплар, бундан ташқари турли корхоналар буюртмалари бўйича қопқоқлар, елим пробиркалар, турфа мурватлар... Ҳуллас борига барака... деган ният билан 24 хил маҳсулот чиқаришади. Набижон Мамадиев, Маъруфжон Рустамов, Озодбек Тоҳибоев, Улуғбек Абдиев, Баҳромжон Бозоров сингари 68 ишчини бирлаштирган бу корхона. Ишчиларнинг айтишича, корхона ичиди қурилиш ишлари кўп олиб бориляпти. Кераксиз бўлиб ётган ташландик бир ерда ҳозир иссиқхона пайдо бўлди. Йўлнинг нариги бетидаги қурилаётган бино катта чойхона, ошхона, яна бир жойда шиша идишлар ишлаб чиқарадиган цех қуриляпти. Тарихий обидаларни таъмирлашда ишлатиладиган кошини фишт, аҳоли ўй-жойларини қуриша ишлатиш учун пишиқ фишт цехлари ҳам қурила бошланган.

Аслида, корхона ташкил қилинган 1988 йилда бу ишларнинг умумрежаси бу қадар белгиланмаган эди. Замон зайлар билан, эл нимага тақчиллик сезган бўлса Худойберди аканинг корхонаши шу нарсани ишлаб чиқариш учун ҳаракат қиласверди. Корхонанинг номини ҳам мана шу тарафларини ўйлаб туриб «Зайли замон» деб аташган бўлса ажаб эмас. 1992 йилда қарийиб икки миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга



— Бироз дам олайлик, ўртоқжон,— дейди Гулбахор Бойтўраева дугонаси Мухаррамой Хуррамовага,— каранг, суратчи йигит биз томон кела-япти.

Сурхон воҳаси далалирида меҳнат қилаётган бу кизларнинг орзуси Тошкентдаги саройида хонанда Юлдуз Усмонова концертини кўриш эмиш. Қизлар яна кўп гўзал орзуларини пинхон тутишса-да, биз уларга баҳт-саодат тилаймиз.

Сураткаш:  
Жўра БОБОРАҲМАТ.

**K**ўргонтепа район собик фирка қўмитаси биносини атрофи фаворалар тизими билан ўралга эди. Аммо минглаб сўм сарфлаб курилган бу иншоотлар бир кун ҳам ишламади. Чунки улар ўша пайтда ҳеч кандай лойиҳасиз раҳбарларнинг зуғими билан курилган эди. Район матлубот жамиятлари уюшмаси курувчилари фаворалардан бирини ҳозиргири кунда бирор кўнгилочар масакани бўлмаган ёшлар учун

каҳвахонага айлантиришга карор килдилар.

Каҳвахона кўшилиб турдиган иккита залдан иборат. Катта залда ранги чироклар порлаб турдиган ракс майдончиси, созандалар учун махсус жой бор. Бу ерда бир йўла икки юз нафардан ортиқ кишига хизмат кўрсатила-япти.

Ёшлар қаҳвахонасининг очишли маросимидаги Андижон вилояти ҳокими К. Холмирзаев иштирик этли.

## АВЛОДЛАР УЧРАШГАНДА

**J**илолкудук район ёшлар уюшмаси уч авлод викиларини бир пиёла чойга тақлиф этди. Йигилганларни район хокими, собик район ёшлар қўмитасининг биринчи котиби Азматжон Исмонлов кизғин кутлади. Сўнг 1942—1947 йилларда ёшлар ташкилотига раҳбарларни кизған меҳнат фахрийиши Шомурот ота Олимов ўз хотиралари

билан ўртоқлашиб, бугунги иктиносидий танглик шаронтида ёшларни жисп бўлиб, кинчилликларни енгизга чиқириди. Ёшлар уюшмасига турли йилларда бош бўлган Азизахон Хўжаева, Ибронимжон Олимов, Баҳтиёржон Ниёзматовнинг эсадликлари ҳам йигитларда катта қизиқиши ўйготди...

У. САҚСОНБОЕВ

«Хурматли мұхаррирят! Яқинда пойтахтимизнинг темир йўл чипталарини олдиндан сотиш кассаси ходимаси пассажирларга ўзларини ҳамда юкларини сұғурта қилдишишга ундаётганини гувоҳи бўлдим. Кейин билсан, у Осиё темир йўл сұғурта компанияси билан Шартнома тузган экан. Иложи бўлса ана шу ташкилот ҳақида маълумот берсангиз».

Тошкентлик Б. Алимовнинг бизга йўллаган саволига жавоб олиш, газетхонларни юқорида номи зикр этилган даргоҳ фаолияти билан тўлашроқ танишишиш мақсадида маҳсус мухбири миз Алишер Ҳакимов унинг директори И. Ершов билан сұхбатлашиди.

## ЮКИНГИЗНИ САҚЛАШНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ

— Илья Владимирович Осиё темир йўл сұғурта кўмпаниясини ташкил этишга нима туртки бўлди?

— Ижтимоий-иктисодий ва сиёсий вазият анча бекарор бўлиб турган даврда яъни шу йилнинг февраль ойинда ташкил бўлдик. Ўрта Осиё темир йўллари бошкармаси асосий таъсисчимиз хисобланади. Маълумки, хозирги иктисодий такчиллик даврида станцияларда вагонлардан турил хил юкларни ўғирлаш тобора авж оляпти. Хатто йўллarda кетаётган поездлардан киймати бир неча ўн минглаб сўмни ташкил этувчи маҳсулот ҳамда буюмлар йўқолмоқда. Шундай ходисаларга чек қўйишини ўз олдимишга вазифа килиб олганмиз. Шунингдек, мижозларимизга уларнинг юкларини Мустакил давлатлар хамдўстлиги мамлакатларига жўнатиш учун вагонлар топишда ҳам кўмаклашамиз. Лекин мижозларимиз республикадан ташқарига олиб кетилаётган юклар учун тегишли ташкилотлар руҳсатномаси (лицензия)сига эга бўлишларни даркор.

— Бугунги кунда сұғуртанинг неча тури билан шуғулланаяпсизлар?

— Хозир биз сұғуртанинг асосан иккى турини амалга оширияпмиз. Бу — пассажирлар ҳамда турли хил юкларни сұғурта қилишдир.

— Айтинг-чи, пассажирлар сұғуртаси нима беради ва улар ўзларини сұғурта қилдишилари учун қаерга мурожаат қилишлари ҳамда қанча маблағ тўлашлари керак.

— Республика мизнинг деярлик барча станцияларида бизнинг агентларимиз бор. Ўзларини сұғурта қилиш истагида бўлган пассажирлар бизнинг вакилларимиз орқали 5 сўм тўлаб сұғуртани расмийлаштиришлари мумкин. Ҳозирги даврда 5 сўм нима деган гап. Ваҳоланки, йўлда мижозимиз (авваломбор бундай хол юз бермасин-ку) бетоб бўлиб колса, ёхуд жароҳат олса, унинг олган жароҳатининг оғир ёки енгиллигига караб, 25 сўмдан 30 минг сўмгача сұғурта пули тўлаймиз.

— Юкларни сұғурта қилиш тартиби ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ўз юкини сұғурта қилишини ихтиёр этган шахс ёки ташкилот Ўрта Осиё темир йўллари бошкармаси маъмурияти, Тошкент, Қўкон, Бухоро, Душанбе, Оролбўйн бўлнималаридағи агентларимизга учрашиши керак. Биргалашиб унинг мидори, нимадан иборатлиги ҳамда қийматини белгилаймиз. Агарда жўнатилаётган юкнишлек хўжалик маҳсулоти бўлса,

беш йил давомида темир йўл орқали сұғуртаси олиб бормокчи бўлган маъсофада унинг қанча мидори нобуд бўлиши ёки уринишини ўрганиб чиқамиш. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Сўнгра мижоз билан шартнома тузамиз. Сұғурта учун тўланадиган маблағ юкнинг умумий кийматининг 3—10 фоизини ташкил этади, холос.

— Юк манзилга етиб бормаслиги ҳам мумкинми?

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки бу ишни биз харбийлаштирилган сокчилик бўлнималарига топширамиз. Шу ҳақда улар билан шартнома тузганимиз. Бундан ташқари Мустакил давлатлар хамдўстлиги мамлакатларидаги сұғурта жамиятлари билан ҳам ўзаро келишувимиз бор. Ҳусусан юк Ўрта Осиё чегарасидан ўтганидан сўнг унинг манзилга етиб боришини ана шу компаниялар ўз зиммасига олади.

— Республика мизнинг компаниянинг сизнинг компаниянинг сизнинг компаниянинг сизнинг ташкилот ёки жамият борми?

— Бизнинг компаниямиз нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда ягона. Мустакил давлатлар хамдўстлиги мамлакатларидаги бизнинг сизнинг ташкилотлар кўп. Биргина Россия Федерациясида 26 та мана шундай сұғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Украина, Грузия, Болтикбўйи мамлакатларидаги бизнинг сизнинг ташкилотлар кўп. Ҳозирги кунда биз ана шу компаниялар ҳамда жамиятлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, тажриба алмашиб устида иш олиб бормоқдамиз.

— Компаниянг сизнинг ташкилот яна бирор бир бошқа соҳа билан ҳам шуғулланадими?

— Менимча, бундай килсак нотўғри бўлар эди. Чунки ҳар бир ривожланган мамлакатлардаги етуқ фирмалар ҳам иккى, узоги билан уч йўналиш бўйича иш юритади. Йўналиши кўпайтириш эса ишни чигаллаштириши мумкин.

— Режаларингиз ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз?

— Компаниямиз келажакда нафақат собиқ иттифоқ, балки хорижий мамлакатлар сұғурта компаниялари билан ҳам яқиндан алоқада бўлиш, улар билан тажриба алмашиб ишлашин ўз олдига мақсад қилиб кўйган. Шунингдек, Мустакил давлатлар хамдўстлиги мамлакатларидан Ўрта Осиё келаётган юкларни ҳам сұғурта қилиш ниятимиз бор.

— Сұхбатингиз учун раҳмат. ишинизга мувafferакият тилайман.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёми — қиймати 250., 500., 1000 сўмлик облигацияларда 20 йилга мўлжаллаб чиқарилмоқда.

1000 сўмлик облигация битта сериядаги иккита ракамли 2 дона беш юз сўмлик облигациялардан иборат. 250 сўмлик облигация беш юз сўмликнинг ярми хисобланади.

Заём облигациялари республика Жамғарма банкида эркин сотилади ва сотиб олинади.

Сизнинг хоҳишингизга биноан Жамғарма банки облигацияларни сақлаб бериш учун қабул килади ва Сизнинг облигациянгизга тушган ютуқлар ҳақида Сизни хабардор килиб туради.

### ОБЛИГАЦИЯЛARНИНГ · САҚЛАНИШИГА

#### ДАВЛАТ КАФОЛАТ БЕРАДИ.

Беъш юз сўмлик облигацияларга унинг қиймати қўшилган холда 250000, 100000, 50000, 25000, 10000, 5000, 2000 ҳажмида ютуқлар белгиланган.

#### ДАСТЛАБКИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ

#### ТИРАЖ 1992 ЙИЛ 30 ИЮЛДА

##### Самарқанд шаҳрида

2-тираж — 1992 йил 30 сентябрда

Урганч шаҳрида

3-тираж — 1992 йил 30 декабрда

Тошкент шаҳрида ўтказилади.


1993 йилдан бошлаб ҳар йили тиражлар Ўрта Осиёда ҳар чораги охирги ойининг 30-кунида ўтказилади.

#### ОМАДИНГИЗНИ БЕРСИН!

...Ва Сизни Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки муассасаларида кутамиз!



Республика  
бошқармаси



**ЗЕНИТ-7° фирмали  
тено-савдо тиркази**

## ТАВСИЯ ЭТАДИ

### ЖАЖЖИ ҚИЧКИНТОЙЛАР УЧУН:

Хар бир кичкентой самокат ва велосипедда мазза қилиб учиши орзу қилади. Уларнинг бу орзуларини рўёбга чиқариш максадида дўконимиз бир неча турдаги самокат ва велосипедларни савдога кўйди. Шунингдек, кичкентойлар учун бу ерда ўйинчоклар, митти тикув машинаси ҳамда болалар аравачаси, каравот, коптоклар ҳам бор.

Болалар каравоти боғчалар ва болалар муассасаларига нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

### ХОНАДОН БЕКАЛАРИ УЧУН:

Мева ва сабзавотларни консервалашда аскотадиган асбоб ва ускуналар, това, электркималагич, электрсамовар, «Фея» кир ювиш машинаси, 2 хил турдаги «Тула» газ плиталари, 3 хил тикув машинкалари, «Циклон» чангютгичи, пишириклар тайёрлаш учун колип, кофени қайнатиш ва ичиш учун мўлжалланган идишлар, термос каби совғалардан беҳад мамнун бўладилар.

### ДАДАЖОНЛАРИМИЗ УЧУН:

Доимо хўжалик юмушлари билан банд бўлувчи оталарнинг оғирини қисман бўлсада енгиллатиш максадида ошпичоқ, этикдўзлик пиҷофи, махсус нарвон, бинокорликда ишлатиладиган чўмич, пайвандлаш виремителларини харид этишини ҳамда пармалаш, металл ва ёғочга ишлов берувчи дастгоҳлар, 3 хил «Аэлита» магнитолаларини тавсия килади.

Бу дастгоҳларни дўконимизга пул ўтказиш йўли билан ҳамда нақд пулга олишингиз мумкин.

### ОИЛА УЧУН:

«Сино», иккى камерали «Донбасс», «Минск» совутгичлари, газета ва журнал учун хонтахта, телевизор учун айланма таглик, қозонлар, гултувак турадиган осма тахталар, электрон сигнал қурилмаси, телевизор учун «Олень» стабилизатори, турли хил ёритгичларни сотиб олишингиз мумкин.

### КЕЛИНЛАР УЧУН:

Австриянинг машхур фирмаларида тайёрланган оқ, кизил, яшил, сиёхрангдаги, паст ва баланд пошнали замонавий пойафзаллар тавсия этилади.

### ТИББИЕТ ХОДИМЛАРИ УЧУН:

ЭТНС-1, ЭТНС-2 электронейростимулаторлари.

### АВТОМОТОҲАВАСКОРЛАР УЧУН:

«ВАЗ» ва «Москвич» автомобиллари автоприцеплари, «Восход» мотоциклы, «Муравей» моторолери эҳтиёт қисмлари, «Восход», «ИЖ» двигателлари, автомобил ўриниклари устига солиб қўйиладиган массаж шолча, «ГАЗ-24» енгил автомашинасининг олдинги ўнг ва чап канотлари, «Москвич» автомашинаси учун шовқин пасайтиргичлар комплекти, «Жигули» автомашиналарининг тяга, сцепление қурилмаси, радиатор ва иситгич мавжуд.

### ТУРИЗМ ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН:

Монокуляр, дурбинлар, тунда кўришга мўлжалланган дурбин сафарда аскотади.

### СПОРТ ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН:

Саломатликларини мустаҳкамлаш, жисмонан бақувват бўлишларида дўконимизда сотилаётган харилар, чамбарак, укалаш воситалари, велопринтерлар, спорт-ўйин тўплами ва бошқа анжомлар кўмакдosh бўлади.

### ФОТОҲАВАСКОРЛАР УЧУН:

«Любитель» ҳамда бир неча турдаги «Элникон» фотоаппаратлари, фотообъектив, фотоконструкторлар, фотосурат чиқариш учун зарур ашёлар, тасвири катталаштириш қурилмаси, диапроектор ва кино-проекторларни доимо дўконимиздан топишиングиз мумкин.

### ДАЛА-ҲОВЛИ СОҲИБЛАРИ УЧУН:

Культиватор, мотокультиватор, пуркагичлар тавсия этилади.

Бундан ташқари дўконимизда тикув, тўкув, кир ювиш машинкалари, чанг ютгичлари, совутгичлар, фотоаппаратлар кафолатли ҳамда пуллик ремонт қилинади. Харид қилинган маҳсулотларни харидор ҳоҳишига биноан уйларига элтиб берилади.

Дўконимиздаги барча маҳсулотлар биржа ёхуд савдо уйлари оркали эмас, балки бевосита ишлаб чиқариш корхоналаридан олиб қилинади. Шу сабабли ҳам уларнинг нархи баъзи савдо шахобчалидагига нисбатан арzon.

## ДЎКОНИМИЗГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Иш соатларимиз: соат 9.00 дан 18.00 гача, танаффус соат 13.00 дан 14.00 гача, дам олиш куни — якшанба.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 10-йи. Метронинг «Ойбек» бекати.

Октябрь бозори, метронинг «Чор-су» бекати.



## АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Шаҳардаги жамғарма банки муассасаларида 1992 йилги Ўзбекистон республика ички ютуқли заёмининг облигациялари сотила бошланди. Облигациялар **250, 500, 1000** сўмлик қилиб чиқарилган.


Хар йили 4 марта ютуқ тиражи ўтказилади.

**Биринчи ютуқ тиражи 1992 йил 30 июлда бўлади.**

Энг кам ютуқ—2000 сўм, энг катта ютуқ 250000 сўм.

## ЖАМҒАРМА БАНКИГА ШОШИЛИНГ!

**Маълумот учун телефонлар: 33-78-02, 33-51-95**



Тошкент шаҳар бошқармаси



**КОРХОНА, МУАССАСА  
ВА ТАШКИЛОТЛАР,  
КИЧИК КОРХОНА,  
ШИРКАТЛАР  
ҲАМДА ФУҶАРОЛАР  
ДИҚҚАТИГА!**

Корхона ва муассаса, ташкилот ва ширкатлар вакилларини кафолатли хатлар билан, шахсий ўзлон берувчиларни эса спортлари билан келишларини сўраймиз.

«Ишонч» ҳафталик газетасида ўз ўзлонлари ёки тижоратларини чоп этмоқчи бўлганлар ҳар куни соат 15 дан 18 гача «Правда Востока» кўча 24-йи, 5 қават, 66-хонада жойлашган «Ишонч» газетаси тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Улар диккатига! тижорат ва ўзлонлар [бир квадрат сантиметр жой учун]

Ички бетларда

Сўнгги саҳифада босилса

Шахсий ўзлонлар нархи

Таъзияномалар учун эса — 15 сўм 00 тийин тўланади.

«Ишонч» газетаси  
тижорат, ҳамкорлик ва  
тадбиркорлик бўлими.

# Санъат



ОЧИФИ, якнгача Амир Темурга факат салбий нисбат бериб келинди. Хатто кўплар шаҳаншоҳ, давлат арбоби, буюк саркарда ҳакида танқидий маколалар, рисолалар битиб «давр қаҳрамонига» айланниши. Замонлар ўзгаришти. Тарихга, ўз тарихизига хам теран акл, ўтириги нигоҳ билан ҳакикатдан юз ўғирмай қарайдиган пайт келди. Аста-секин жаҳонгир шоҳ Амир Темур ўтган даврини хам, унинг жанг жадалларга тўлиқ ҳаётини хам қаламкашлар чукуррек ўрганишиб, ўзларининг холисона фикрларини айтишмокда. Ушбу асар хам бу йўлдаги уринишлардан бири бўлди.

Шоҳ Амир Темур мохир ва машҳур саркарда хам бўлган. Ахир унинг ҳарбий юришларда кўллаган усуслари жаҳоннинг кўплаб ҳарбий академияларида ўқитилишининг ўзи бунга гувоҳ.

Спектакль тугади. Афишани кўрибок буюк бобомиз Амир Темур хурмати, бу асарни саҳнага ўйлантириб олиб чиқилганми ёки ўйкми? Асарда ҳакиқий Темур борми, ўйкми? Артистлар саҳнада буюк Темурни ўз буюклигини ярати, олишганми? Ҳуллас, буёғига барча гап мана шуларда.

Саҳнада Темур бир томонлами факат уруши эпизодлари орқали жангговор одам кишиларни кўреатилган, холос. Унинг Туркия билан уруши сабаби хам тушунарисиз. Саҳна шунчалик кўн курол-яроғ билан тўлдириб ташланганки, уларнинг салобати одамни босиб кўяди. Режиссер ва рассом буни хам бир ўйлаб кўрарлар. Тағин драмада катта трагедияга симайдиган

чикиби. Аввало, бу катта асарни ёзган муаллифига, уни катта театримизда ўйлантириб раҳмат!

Менимча, асарда драматургия етишмайди. Марло Амир Темур ҳакида ёзганда у ҳакида тарихий фактлар оз эди. Шунинг учун муаллиф хам ўша вактлардаги ёзишмаларга амал кивлани учун шундай бўлиб қолган.

Спектакль кўйилди. Энди гап Амир Темур ростдан хам саҳнага олиб чиқилганми ёки ўйкми? Асарда ҳакиқий Темур борми, ўйкми? Артистлар саҳнада буюк Темурни ўз буюклигини ярати, олишганми? Ҳуллас, буёғига барча гап мана шуларда.

Саҳнада Темур бир томонлами факат уруши эпизодлари орқали жангговор одам кишиларни кўреатилган, холос. Унинг Туркия билан уруши сабаби хам тушунарисиз. Саҳна шунчалик кўн курол-яроғ билан тўлдириб ташланганки, уларнинг салобати одамни босиб кўяди. Режиссер ва рассом буни хам бир ўйлаб кўрарлар. Тағин драмада катта трагедияга симайдиган

Темур кўп қиррали инсон, у давлат бошлиги — шоҳ, илм-маърифат соҳиби, у меъморчилик ишларида бошкош, у севимли ёр, севимли ота... Лекин бир асарда буларнинг барчасини бирдай очиб бўлмайди. Спектаклинг масади — Темурнинг соҳибкорлонигини, жангоҳлардаги ҳолатини, характеристерини бериш эди ва бунга эришилган. Темурни Боязид билан юзма-юз келган ҳолатларда атайнин Боязид образи камситилганидан баъзи ўринларда у кулгули кўринади. Асарга Бибихоним, Чўлпонбегим каби аёл образларини олиб кирилгани хам жуда ўринли бўлиди. Бирок, Чўлпонбегимнинг наввари Жаъфарга нечун шунчалик акл-идрок эгаси бўлмиш Амир Темур дарҳол ишона колгани, бу навкар ўз бекасини қандай киilib севиб колгани ва ниҳоят унга тиф уриб ҳалок этиши мантиқи асосланмаган.

Темурнинг орзуси: арчаланган туркӣ давлатларни, уларнинг ҳалкларини ягона ислом байропни остига бирлаштириш эди. Шунинг учун бу жаб-

лиги яхши очиб берилган.

**Абдуғофур РАСУЛОВ (адабиётшунос):** Абдулла Қаҳҳорнинг битта гапи бўларди: шу саҳнада бўлган образлар ҳаётда бўлса улар билан кўл бериб кўришмасдим, дердилар. Мен шу саҳнадаги образларнинг ҳар бири билан кўл бериб кўришгим келиб кетди. Бу артистларнинг ютуғидир. Саҳнага Темур олиб чиқилибди, энди уни 20 асрнинг энг жиддий образи, ўз даврининг жиддий одами килиб яратайлик. Саҳнамизда Темур этилибди, энди уни сийқаллайлик.

Мана, спектакль ҳакида фикрлар. Мен хам бир томошабин сифатида салкам 2,5 соат давом этган. «Соҳибкорон Темур» томошаси ҳакидаги ўз фикрларимни айтай. Асарда Амир Темурнинг ҳарбий юришлардаги характеристерни, турли вазиятлардаги ҳолати, ҳарбий усуслар кўлаши, душманнинг занф жойларини билиб олиши яхши очиб берилган. Асарни кўрган киши Темурнинг буюк саркар-

## «СОҲИБКОРОН ТЕМУР» — САҲНАДА



**РЕСПУБЛИКАМИЗ** театр ҳаётидаги яна бир янгилик юз берди: Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида Асрор Самад қаламига мансуб «Соҳибкорон Темур» драмасининг кўргиги бўлиб ўтди. Муаллиф таъқидлаганидек, спектакль француз драматурги Кристофер Марлонинг «Буюк Темурланг» пьесаси оҳангларида яратилибди. Ушбу саҳна асари буюк саркарда Амир Темурнинг жангоҳлардаги ҳаётига бағишиланган.

жойлар ҳам бор.

Умуман, спектаклни кўйса бўлади, факат уни ишлаб, янада меъёрига етказиш лозим. Темур образини унинг фалсафий мушоҳадалари орқали тे-ранроқ очиб, бериш керак.

**Озод ШАРОФУДДИНОВ (танқидчи, Беруний номидаги Республика мукофоти совиндори):** Улуг Курбон ҳайити кунлари ушбу асарнинг кўйилишининг ўзи санъатимида улуғ воеадир. Тўғриси, узок йиллар Темур ҳакида факат салбий маънода гапириш мумкин эди. Энди-энди яхши гаплар, маколалар, асарлар чиқа бошлади. Мана, у соҳибкорон сифатида ҳам саҳнага чиқири. Муаллифни, театр жамоасини бу уруниш билан табриклиман. Буюк Темур ҳакида унинг ҳаётини батафсида тасвирилаган мукаммал асар ёзиб бўлмайди. Унинг ҳаётини ҳар бир киррасининг ўзи бир асардир.

Менимча, спектакль сўнгига Темур ўз ҳаёт ҳакида чукуррек ўйласа, бир инсон умрининг якуни тарзида унинг мушоҳадалари берилса. Бизнинг шарқ фалсафасида бунга имкон бор. Темурни мутафаккирлик томонини унинг ўз дунёкараши — фалсафаси орқали кўрсатилса. Бу жабҳалар қанчалик чукурлаштирилса, томошабинни шунчалик ўйлатади. Самарқанд ҳам асарда қандайдир йўл билан эсга олиниши, кўрсатилиши керакманд...

**Евгений БЕРЕЗИКОВ (ёзувчи):** Спектакль яхши чиқиби. Кўрилади кўрган кишини ўйлатади, демак, унда нимадир бор. Менинг тилагим — охирги кўринишга — хаста Темур олдига невараси келса, шунда у ўз ишларининг давомидан кўнгли тинчиганини баён килса яхши бўлармиди...

**Наим ҚАРИМОВ (АДАБИЁТШУНОС):** Асар муаллифи мавзуни обидон ўрганиб кейин унга кўл урибди. Режиссер; театр ахли имкон кадар уни мөъёрига етказишибди.

ҳада ҳам саҳнадаги таъсирчан она кўринишига ўхшаш яна бирор кўриниш киритиш лозимиди.

**Зафар ҲАКИМОВ (Республика Маданият ишлари вазири вазифасини бажарувчи):** Темурни хаммамиз биламиш, лекин унинг серкірра ҳаётидан хабардор эмасмиз. Ушбу асарни аввало ҳалқимизга Темурни кимлигини англашиб учун кўйяпмиз. Темурнинг асосий ҳаётий масади юкорида айтилганда туркӣ ҳалқларни бирлаштириш бўлган. Шунинг учун спектаклда энг биринчи, урушни хошиши эдими ёки ўша давр табаби эдими, мана шуни очиб бериш керак эди.

Асарда Ўрта Осиё кўринмайди. Темур масканлиз бўлиб қолган, буни кўрсатиш керакмиди.

Спектакль бошида юлдуз юкоридан пастга тушади, бу рамзий маънога зидроқ, яъни сўниш маъносини беради, шунинг учун шу жойини ҳам ўйлаб кўриш керак.

Боязид билан Темурнинг уруш эпизоди 50-йиллардаги шўро киносига хос киёсий ўхашашлик бор.

Бибихон образи жуда яхши топилма. У Темурнинг севгилиси, дўсти, маслакдоши сифатида дадил кўрсатилган. Аммо у Чўлпонбегим соясидан қолиб кетяпти. Бибихоним образини кўтариш керак.

Темур вафоти саҳнасида у гўё номизиз инсонга ўхшаб колмокда...

**Абдукаҳҳор ИБРОҲИМОВ (драматург):** Асарда Темурнинг соҳибкоронлиги яхши очиб берилган. Зоро, масада ҳам шу эди. Ундаги воеалар Сурия, Ирок, Дамашк ва Ўтрорда кечади. Шунинг учун спектаклда факат Амир Темурнинг жанговор юришлари кўрсатилади, холос. Саҳнада ҳамиша турувчи «Ер шари» — глобусда ҳам рамзий маъно бор, чунки ўша вактларда дунё тақдирини туркӣ ҳалқлар тебрятib турар эди. Бу ҳалқлар бирлашса нималарга кодир-

ла бўлганига ишонади. Лекин спектаклда киши кўнглига ўтиришмайдиган баъзи ўринлар ҳам бордек туюлади. Мисол учун Темурнинг Боязид билан жанг саҳнасида иккимусулмон мамлакат кўшинлари орасида беаёв уруш кетаётганда ҳар

Боязид билан жанг саҳнасида иккимусулмон мамлакат кўшинлари орасида беаёв уруш кетаётганда ҳар иккисида қарашданинг ёнларида уларнинг сўюкли хотинлари жанг майдонидаги курбонларни — киличлар зарбидан учётган бошларни, наизалар тигидан ўлаётган одамларни кўриб қувонгандарича эрларига далда берадилар. Менимча, хеч қачон мусулмон аёллари ўзгаларнинг — ҳатто улар душман бўлса ҳам, тўкилаётган конларига (ўша жойда ўз одамлари ҳам курбон бўляпти-ку) бунчалик чапак чалиб қарамаса керак.

Боязиднинг Темурга элчи бўлган Вазири характеристерни галатирок — гаплари жиддий — аммо юриш-турниши, характеристерни кескин, катъий эмас, қандайдир бачканароқ... Унинг Темур қаршида ўзини тутишларида ҳам на ҳис бор, на хаяжон, совуқ, ўта тақаббурона. Ахир ўзи келтирган гап совуқ урушга чўф сочишини, эртага бўладиган урушда ўзи томон мағлуб бўлса, ахволи не кечишини ўйламайдими киши. Элчилар шунчалик курук, тўтидек ўргатилган гапни томдан тарафа тушганда кейдади? Ахир Боязидек шоҳ вазири ҳам ўзига яраша бу хислатларга эга бўлгандир...

Хуллас, буар менинг шахсий фикрларим, колганини «Соҳибкорон Темур» драмасини кўрган томошабинлар айтишар.

**Адҳам ДАМИНОВ, «Ишонч»нинг маҳсус мухбири.**

## Ш.Р. РАШИДОВ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

— АТОКЛИ давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидовга багишиланган фильм тарихий жиҳатдан тўғри ва холис бўлиши мен учун муҳимроқдир, — дейди «Шароф Рашидов танланаси ва фожеаси» номли иккимусулмондан иборат бадиий-публицистик лентани суратга олаётган фильм режиссёри Баҳодир Музаффаров. — Сир эмаски, Шароф Рашидов вафтидан кейин у ҳақда кўплаб ёлғон-яшиқ гаплар айниқса, кўпайиб кетди.

Мен Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида фильмни суратга олиш жараёнида республика-маколаларига чорак аср раҳбарлик қилган бу инсонни кўрган-билиган одамлар билан сұхбатлашганимда уларнинг ҳаммаси Ш. Рашидов ҳакида факат илк гаплар айтишиди.

— Кино фақат республикамизда суратга олинадими!

— Режаларимиз катта. Биз собиқ КПССнинг собиқ раҳбарлари билан


Москвада, шунингдек, собиқ Совет республикаларида Ш. Рашидовни шахсан танийдиган маданият, фан, адабиёт арбоблари билан учрашишини мўлжаллаяпмиз. Бундан ташқари архивдаги кинохроникалардан, шу жумладан устозимиз Малик Қаюмов яратган кино материалларидан фойдаланамиз, имкон бўлса чет элларга ҳам борармиз. Чунки, Шароф Рашидов дунёнинг кўлгина атоқли адаблари, маданият ва давлат арбоблари билан ҳам шахсан таниш эди.

— Фильм экранга қачон чиқарилади?

— Бу фильмни яратиш ғояси ўтган йилнинг охирида ёк вужудга келган эди. Шу йил март ойининг ўрталарида «Ўзбекфильм» киностудиясининг «Юлдуз» ижодий бирлашмаси «Давр» кинофирмаси билан биргаликда картина устида иш бошлаб юборди. Картина сценарийини Аъло Ҳўжаев билан биргаликда ёздик. Ҳўкуматнинг Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилганилиги ишимизни юришириб юборди.

Ниятимиз фильмни шу сана кунлари намойиш қилишдир.

Э. Ҳўжаев.



Нуриддин Мухиддинов

## ДИЛДАГИ ГАПЛАР

БУ ВОҚЕА 1950 йили рўй берган эди. Ўшанда Наманган вилояти раҳбарлигидан Тошкентга келиб республика раҳбарлигида эндиғина иш бошлаган пайтларим эди. Дастанлаби сафарим Сурхондарё вилоятига бўлиб, менга Денов районига бориши насиб этганди. Ўша пайтдаги район раҳбари Жамол Акрамов менинг Сталин ҳозирги Ульянов номли илғор жамоа хўжаликка олиб борди.

Шу ерда алп қомат, нигоҳларида эзгулик балқиб турган, хатти-ҳаракатларида бир олам журъату жасорат мужассам, ғайратидан ўт чақнаган хўжалик раҳбари билан танишдик. Мана, шу воқеага ҳам қирқ йилдан ошиби. Демак, Бобораҳмат ака Юсупов билан дўстлашганимизга ҳам қирқ йилдан зиёдроқ вақт бўлибди. Гарчи мен қарийб ўттиз йил Ватандан — Ўзбекистондан йироқда ишлаган бўлсанда йигирма йилча Москвада, ўн йил чет элда ишлаб, юздан ортиқ мамлакатларда бўлдим, бирок Бобораҳмат ака билан дўстлашганимизни, ҳалқ манфаати йўлида биргаликда амалга оширган эзгу, савоб ишларимизни асло унугтаним йўқ. Ҳаммаси худди кечагидай ёдимда. Айниқса, у кишининг хонадонида бўлганимни, тузнамак тогтанимизни, узок-узок сұхбатлар қурганимизни, эл ғами йўлида дардлашганимизни унута олмайман...

Бобораҳмат Юсупов Улуғ Ватан уруши йилларида ўттиздан зиёд майдага хўжаликларни бирлаштириб, илғор йирик хўжалик барпо этган, кўпни кўрган, одамоҳун раҳбар бўлгани учун ҳам ҳар бир масалада теран мулоҳаза юритардик, унинг фикрларига кўшилмасликнинг иложи йўқ эди. Эсимда: Деновда оқсоқоллар йигини бўлиб, унда кўп муаммолар қатори яна бир масала — Термиз яқинида, яни Афғонистон билан чегара томонда жойлашган «Пайғамбар» оролининг оёқ ости қилинаётгани ҳақидаги масала кўтарилиди. Шунда Бобораҳмат ака: «Ўтмиши йўқнинг келажаги бўлмайди. Пайғамбар ороли бизнинг ўтмишими, не-не бобокалонларимиз учун мукаддас жой саналган бу илоҳий масканга ҳозирда харбий қисм жойлашган. Бу ор-номусимизнинг топтаплаши эмасми, ахир?! Келинглар, қўлни-қўлга берайлик, ўтмишими асрар қолайлик!» — деб вулкондай отилиб чиқди. Шун-

да унинг юртпарварлигига, иймон-эзтиқодига таҳсиллар айтдим. Ўша куни ёк ишга киришдик: Туркистон ҳарбий округининг кўмандони армия генерали И. Е. Петровга сим қоқдик... Тез орада бу муаммо ижобий ҳал бўлди. Бобораҳмат ака эса бу ишда амалий ёрдамини аямади, назоратни бўшаштирмади.

Мен гувоҳ бўлган бундай ҳайрли ишлар у кишининг ҳаётида кўплаб рўй берган. Сизга қай бирини айтай: Бобораҳмат аканинг Деновда хилма-хил субтропик мевалар етиштириш борасидаги катта жонбозликлар кўрсатганинг айтами ёки мамлакатда ягона «Ром совхози»ни ташкил этишдаги елиюғуришлариними, пахта ва пилланинг давлат томонидан харид қилиниш нархлари кўтарилиши лозимлигини Республика илғорлари анжуманида минбардан туриб талаб қилгани юрт ўтмай, шунинг натижаси ўлароқ, бу маҳсулотларга тўланадиган ҳақ 2—4 барабар ортганлигини айтами!

1957 йили Республикамиздан меҳнатда юксак натижаларни кўлга киритган 1570 киши давлатнинг орден ва медаллари билан тақдирланганди. Шулардан юздан зиёд киши Социалистик Меҳнат Ҳаҳрамони унвонига сазовор бўлганди. Жумладан, Ҳамроқул Турсункулов учунчи марта, Ким Пен Хва иккинчи марта бу шарафга мунособ топилганди. Юксак унвонга сазовор бўлганлар орасида Бобораҳмат Юсупов ҳам бор эди. Бундан ташқари, Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Б. Юсупов Иттифоқ ҳалқ ноиби сифатида ҳам эл орасида катта обрў орттирган.

Бобораҳмат Юсупов менинг қирқ йиллик дўстим. У — эл орасида яхши ном олган диёнатли инсон...

Фурсатдан фойдаланиб, Бобораҳмат акани 80 ёшлик мўътабар тўйи билан чин юракдан муборакбод этаман, барча эзгу ниятлари рўёбга чиқаверишига тилақдошлиқ билдираман! Энг мухими — Аллоҳдан у кишига мустаҳкам соғлиқ ва умр тилайман! Дарвоқе, Ҳадиси шарифда айтилганидек: «Мусулмон кишининг умри узайгани сари яхшилиги зиёда бўлади».

**Суратда: Бобораҳмат Юсупов (ўнгда).**

### ЎГРИГА ШЕРИКМИСИЗ?

8 февралда икки бош қорамолимни ўйралатиб кўювдим. Бу ҳақда тезда қишлоғимиз участкови Жаксилик Мингбоевга хабар бердим. Ағсус мелиса ақамиз сира қимирлагиси келмади. Ўзим қидир-қидир қилиб молимнинг терисини ҳам ва уни гумдан қилган ўгрини ҳам тондим. Лекин орган ходимлари ўгридан ҳақимни ундириб беришга бош қўшмадилар. Ҳақимни талаб қилганимда участковой корнини қашиб «Нима, битта сенинг молинг йўқолганими, намунча ҳовлиқасан», деб жавоб берди. Ҳайрон бўлдим, нега жиноятчани жазолашни хоҳлашмаскан?!

**Ражаббой УСМОНОВ,**  
Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон»  
давлат хўжалиги.

### БОТИР ЗОКИРОВ НОМЛИ МАКТАБ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 46-мактаб яқинда ўзининг 65 йиллигини ишонлади. Шу куни мактабга машҳур қўшиқчи Ботир Зокиров номи берилиди ва мактабда унинг бюсти ўрнатилди.

М. СУЛАЙМОНОВ,  
С. АБДУРАҲМОНОВА.

МУҲАРРИРИЯТГА Сирдарё вилоят хамда Гулистон шаҳар кўнгилли ўт ўчириш жамиятлари раислари устидан шикоят ҳатушган эди.

Шикоят ҳатда Сирдарё вилояти кўнгилли ўт ўчириш жамияти раиси Зулфирор Арипбаев эски ГАЗ—69 ва УАЗ—469 енгил автомашиналарини сотиб, устига пул олган, шу машиналардан айримларини жамиятда ишламаган одамларга берган дейилади. Машиналар кимларга сотилган, бу сотилиш конунийми? Кўнгилли ўт ўчириш жамияти республика кенгашининг раиси ўртоқ Золотухин Гулистанга юборган ревизор Н. Орипов гўё бу масалани текшириган бўлади чора-далиллардан кўз юниб кўяколади. Унинг чала қолдирган ишини биз охирига етказдик. Вилоят кўнгилли ўт ўчириш жамияти томонидан тўртта УАЗ—469, битта ГАЗ—69 автомашинаси сотилган. Шулардан биттаси З. Арипбаевнинг Оққўрғон районидаги яшовчи поччаси Т. Давбоевга, яна биттаси Охезин деган кишига пулланган. Бу шахс ким, каерда ишлаши ва яшаши

вилоят кўнгилли ўт ўчириш жамияти учта МП—1600 маркали мототемпа олган. Ҳатда бу метотемпалар нотўғри тақсимланганлиги, ҳатто якка шахсларга сотиб юборилганлиги кўрсатилган. Н. Орипов эса бу масалани текширмай, Арипбаевнинг гапларига «ишониб» кўяколади. «Волга» автомашинасининг двигатели билан ишлайдиган кучли насосларга корхона ва ташкилотларда талаб катта. Арипбаев эса бу насосларни биттасини «зангори экран» корхонасига берилишига эришган. Ишонч қоғози бўлмаган холда, бунинг устига «Ғалаба» давлат хўжалиги пулига ўша шахсга берилган бу насос ҳам З. Арипбаевнинг навбатдаги устамонлиги дейишдан ўзимизни тийдик.

Бирок З. Арипбаев бу масалада ўзинни айборд деб хисобламайди. Чунки жамият хисобига мототемпа учун пул тушган. Уни олган хўжалик нима қиласа, килар бунинг учун ўзи жавоб беради. Ташқаридан қарагандаги бу фикр тўғрига ўхшайди. Аслида эса бу ерда бошқа гап бор. Биз бу масалада билан

## КЕЛИБ КЕТГАН РЕВИЗОР

ханузгача сирлигича қолмокда. Демак, ҳатда кўрсатилган далиллар тасдиқланаяпти. Н. Орипов эса буни инкор қиласди.

...1989 йил 20 марта вилоят кўнгилли ўт ўчириш жамиятига 165000 сўмлик видеомагнитафон бутун зарур мосламалари билан сотиб олинган. Буни қарангки, 1992 йил 17 февраль куни З. Арипбаев шу видео учун 16500 сўм тўлаб ўзиники қилиб олибди. Қарабисизки, «Мансабини сунистеъмол килмаган» Арипбаев айни вактда аввалги 200 сўмчча ҳам кадри қолмаган 16500 сўм билан бозорда икки юз минг сўм турадиган нодир буюннинг эгаси бўлган.

Н. Орипов видеомагнитафон масаласида ҳам З. Арипбаевни ҳимоя қиласди. 1989 йил Оқолтин район матлубот жамияти орқали тўрт минг сўмга сотиб олинган видеомагнитафон Гулистан шаҳар жамияти (раис Солижон Зокиров) маблағидан олингани холда вилоят жамияти мулки сифатида фойдаланиб, ундан 1989 йилда 1300 сўм, 1990 йилда 2020 сўм видеобар хисобидан тушим келган! Ўн олти минг беш юз сўмлик видеоаппарату эса олинган кунданоқ З. Арипбаевнинг шахсий мулкига айланган. Вокеани текшириш бошланган кунда унинг эски баҳоси 16500 сўм жамият кассасига ўтказилганлиги маълум бўлди. Ҳақиқатан шунча пул тўланганми? Буни навбатдаги ревизия аниқлайди деб умид қиласми.

Ҳатда З. Арипбаев ўз мансабини сунистеъмол қилиб, ўзи ўринбосари А. Абдуллахонов ва шофёрига жамият хисобидан уй сотиб олган дейилади. Тафтишиб Н. Орипов эса бу масалага ҳам аниқлик киритмайди ва «пул тўлаб бориляпти» деган гапдан нарига ўтломайди. Чўнки, масалан, раис 33180 сўм, ўринбосари эса 23789 сўм тўлаш билан 200—300 минг сўмлик ховли-жойга эга бўлишади. 33180 сўм эса хозирни борса иккита сигирнинг пули. Аслида З. Арипбаевнинг ҳам А. Абдуллахоновнинг ҳам Гулистан шаҳрининг 3-мавзеси — микро районда давлат томонидан берилган уйлари бор. 1991 йилда

чуқуррок шуғулланиб, Арипбаевдан тушунтириб бериши сўраганимизда, у «айб»ни ўринбосари Абдуллахоновга юклади.

Азиз Абдуллахонов раисининг гапини тасдиқлади ва мототемпа «Ғалаба»га мен берганман, деди.

— Ишонч қоғози йўқ эди-ку? — ажабландим мен.

— Тўғри, — деди Абдуллахонов, — лекин совхоздан бизнинг хисобимизга пул тушган эди, шунинг учун ишонч қоғози бўлмаса гам, бериб юборгандаги.

Абдуллахоновнинг бу гапига ишониш кийин, чунки мототемпа раисининг розилигисиз берилмайди. Иккинчи далил шуки, Абдуллахонов мототемпани 1991 йил 12 июня Тошкентдан олиб, жамият омбори юзини кўрсатмай ўша шахсга («Ғалаба»га эмас) бериб юборган. Бу мототемпа учун олинидаган пул эса орадан салкам бир ой ўтгач, яъни 10 июня «Ғалаба» хўжалиги томонидан банк орқали ўтказилган, 26 июлда пул вилоят жамиятига келиб тушган.

Сирдарё вилоят кўнгилли ўт ўчириш жамиятидаги З. Арипбаевнинг жамият мулки ва маблағларини талон-тарож килиш хусусидаги далилларни тергов органларига ҳавола қилинади. Бирок бу шахсни доим ҳимоя қилиб келетган кўнгилли ўт ўчириш жамиятидаги ҳулосалар билан ушбу қиссамизга якун ясамоқчимиз.


З. Арипбаев устидан район ва шаҳар жамиятлари раисларининг айримлари Тошкентга — В. Золотухин гапларига жамият мулки ва маблағларини талон-тарож килиш хусусидаги далилларни тергов органларига ҳавола қилинади. Бирок бу шахсни доим ҳимоя қилиб келетган кўнгилли ўт ўчириш жамиятидаги ҳулосалар билан ушбу қиссамизга якун ясамоқчимиз.

Гапни чўзиб ўтирайликда яна бир мисол келтирайлик. Шу йилнинг 10 марта В. Золотухин шикоятлар бўйича «1992 йил апрель ойида вилоят кўнгилли ўт ўчириш жамиятида комплекс тафтиши ўтказилади» деб ишонтирганди. Мана, июнь ойи ҳам ўтиб, лекин тафтишдан дарак йўк...

**Саминжон СУЛТОНОВ,**  
«Ишонч»нинг мухбари.



ХАР ТҮГРИДА



## ГУЛ СОТУВЧИ АВТОМАТ

Япония кўчаларида гул сотувчи автоматлар пайдо бўлди. Бундай «дастёrlар» асосан темир йўл вокзаллари ва аэропортларга ўрнатилган бўлиб, ҳар бирининг «бармоқлар»ига 56 та гулдаста жойлаширилган. Сотилмай колган гулдасталар ҳар куни уч маҳал янгисига алмаштириб турилади.




## ЭР-ХОТИННИНГ УРИШИ...

Чикаго шаҳрида яшовчи ёш эр-хотин бундан кирк йил олдин ғалати фикрга келишган эди. Улар оиласидаги жонгуарниң қаочон ва қай вазиятда содир бўлишини ёзид боришга келишиб олишган эди. Энди маълум бўлишича, кирк йил давомида улар 9192 марта, йилига ўртача 229 марта жанжаллашишган экан. Овқатнинг бемаза тайёрланганини рўкач қилиб эр 1879 марта жанжал бошлаган бўлса, хотини эрига эшиқдан кириша оёғингни артиб кирмадинг, деб 981 марта таъна килибди. Эр эса болаларга яхши қарамайсан, деб хотинига 611 марта бақирган экан.



## БАХТЛИ ХАЛҚ

Мальталиклар ўз ҳаётларидан тўла мамнун бўлган энг бахтил халқ саналади. Бунга Гэллапа илмий-тадқиқот институти ходимларининг Farbий Европада ўтказган савол-жавоблари далил бўла олади. 39 фоиз мальталик ўз ҳаётидан ниҳоятда мамнун ва бахтиёр эканлигини билдириган бўлса, 73 фоизи мальталик эканидан фахрланишини айтган. Бу жавоблар албатта мамлакатда турмуш тарзининг яхшилигидан ва турмуш фаронлигидан да лолат беради.



## БИР СУРАТ ҲИКОЯСИ

Ушбу сурат матбуотда илк бор эълон қилинаётир. Сурат 1927 йилда олинган бўлиб, унда 20-йилларда Ҳалқ маорифи комиссарлигида ишлаган, оташин публицист, арбоб, жонгуар педагог Манон Рамзий ва унинг оиласи акс этиб туриди. Тасвирдаги Рамзийнинг рафиқаси Турсунхон Файзи қизи ҳамда катта ўғли Билик Рамзийларнинг ҳар бирни ҳақида алоҳида бир ҳикоя битиши мумкин... 70 йилдан кейин илк бор матбуот юзини кўраётган бу сурат энг ноёб ҳужжат сифатида 73 ёшли отаҳон Билик Рамзийнинг қўлида сақланиб келмоқда экан...

Манон Абдулла-ӯғли Рамзий 1896 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Дастраси саводини отаси Абдулла акадан олган. Эски мактабда, кейинчалик совет, партия мактабларида ўқиган. 1920—30 йиллар давомида маориф ва партия идораларида ишлаш билан бирга журналист сифатида ҳам қизғин фоалият кўрсатади. 1922—27 йилларда «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон» газеталарида, 1927—29 йилларда эса «Маориф ва ўқитувчи» журналининг масъул муҳаррири бўлиб ишлайди. Уша давр матбуотларида чоп этилган ўтқир публицистик мақолаларида ҳаётнинг энг долзарб муаммоларини кўтариб чиқади.

Айниқса, ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолаларида ерли ҳалқ турмушининг оғирдикларини, пахтачилик, боғбонлик соҳасидаги шароитларни, хотин-қизларнинг эркин турмуши, солиқларни диёнатли ўтказиш ва ҳоказо талаб-таклифларини ёритган. Рамзийнинг маориф со-

ҳасига бағишиланган публицистик асарлари алоҳида аҳамиятга эга. У ўз мақолаларида бошлангич мактаблар, техникум, рабфак олий ўқув юртларидаги камчилик ва ютуқларни, кадрлар ва дарслеклардаги чалқашлик ва талабалар қабулидаги кўзбўямачиликларни чукур таҳлил қилиб беради. Қайси мавзуни ёритмасин, доимо ишчилар, камбағал батракларни ҳимоя қиларди. Ҳалол, пок вижданли, ўз ҳалқига эътиқодли бўлгани учун ҳам кўпгина миллий ўғлонлар сингари қатағон ийллари қурбони бўлди.


1930 йил сентябрда «Аксалинқилобчи, хоин» сифатида қамоққа олинниб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Москва турмасида 3 йил ётди. Кетма-кет шикоят хатларидан сўнг, 1934 йилда иши қайта қўрилиб айбиз деб топилди. Лекин Ўзбекистонга қайтишнинг иложи бўлмай, Ростов-Донга ишга жўнатилди...

1937 йилнинг августида эса А. Икро-мов «ишиш бўйича яна ҳибсга олинниб, кўпгина тухматлар бўйнига қўйилиб, отувга ҳукм қилинди. Лекин унда ҳеч қандай айб йўқ эди. Шу боисдан, 1956 йилда Олий суд томонидан тўла оқланганлиги эълон қилинди.

Ҳеч кимни болалигига ота-она меҳридан айримасин, — дейдилар Билик Рамзий қўзларида ёш билан. — Зўравонлик замонлари ўтди. Энди у кунлар қайтирилмасин. Мен фарзандларимга шуну тилайман.

**Башорат ЖАМИЛОВА,**  
**Бухоро Давлат педагогика институти аспиранти.**

## ХАЛҚАРО ТОИФАДАГИ СПОРТ УСТАЛАРИ



## СЕРГЕЙ СИРЦОВ

Сергей 1966 йилда Наманган шаҳрида спортчи оиласида таваллуд кўрди. Ҳозир Нукусда истикомат қилади. Отаси раҳбарлигига 1980 йили 14 ёшида дастраси ютуқни кўлга киритди. 1986 йили ёшлар Республика мусобақасининг галиби ҳамда СССР ҳалқлари Бутунитти-фоқ ёзги спартакиадасининг кумуш медали соврингори бўлди. Шундан кейин Сергей ҳалқаро тоифадаги спорт устаси нормасини бажарди ва СССР терма командасини аъзо қилиб олинди. 22 ёшли йигит Бишкек собиқ Фрунзе шаҳрида 90 килограммгача вазнлилар орасида 407,5 килограмм натижа билан чемпион номини олди. 1990 йилда у «Дўстлик кубоги» ҳалқаро

ро турнирининг голиби бўлди. Шу йили бахт яна унга кулиб бокди. У Будапештдаги жаҳон чемпионатида катнашиб кумуш медалга сазовор бўлди. 1991 йилда Германиядаги мусобақада чемпион, шу йил ўтган «Дўстлик кубоги» ҳалқаро турнирининг кумуш медалини кўлга киритди.

Наманган Давлат педагогика институтининг III курси студенти Сергей Сирцов Санкт-Петербургда бўладиган МДХ чемпионатига ва шу йилнинг асосий мусобақаси Барселона олимпиада ўйинларига зўр бериб тайёрланмоқда. Машқинг самарали бўлсига, Сергей!

Бош мұхаррир

## Тўлкин КОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Айвар АКБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (масъул котиб), Мухаммадлатиф ЖУМАНОВ, Жасур НОСИРОВ (бош мұхаррир мувовини), Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Мухаммадтўлғанова, Шабот ҲўЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚўШАЕВ, Диляр ГУЛОМОВА.



● Бош мұхаррир қабулхонаси — 56-25-36

● Бош мұхаррир мувовини — 56-52-89

● Масъул котиб — 56-52-78

● Котибият — 56-87-59

## БЎЛИМЛАР:

● Қасаба уюшмаси ва иктисадий хаёт — 56-82-79

● Социал адолат ва конунчилик — 56-87-63

● Маданият, маънавият ва табнат — 56-82-79

● Ҳатлар ва оммавий ишлар — 56-87-78

● Безатиш ва сураткашлик — 56-87-74

● Тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-73

● Ишлар чиқарыш ва хўжалик ишлари — 56-55-85

## ВИЛОЯТЛАРРО МУХБИРЛАРИМIZНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 54697;

Гулистанда — 21002;

Самарқандда — 351130;


Ургенчда — 68782;

Қаршида — 53870.

● Мұхарририятта келгани кўлжамалар (2 оралықда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайды, фойдаланнамаган хатларга жабоб юборилмайды. Маколалардаги фикр-мулоқзазлар, келтирилган факт ва рақамлар масъулнамаларни муаллифлар зинмасида дир.

● Газета 1991 йил 21 марта ҷаҳонда бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь кунин Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўни тасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гуваҳнома берилгани.



Сотувдаги нарихи 2 сўм.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босиш учун 1992 йил 26 июнда топширилди.

● Навбатчи масъуллар: Акмал АКРОМОВ, Тожиб АЛИМОВ.

● Қўнимгоҳимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-йч.

Буюртма № Г-208

● 138610 нусхада босилди

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матблачилик консервенининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.